

Техас штатининг Остин шаҳрида бир оила яшайди. У Жон Смит, унинг хотини, ўзи, уларнинг Ан исмли беш яшар кизи ва кизнинг ота-онасидан иборат. Шахар ахоли рўйхати бўйича улар олти жон, аслида эса уч киши. Бир куни кечки овкатдан сўнг Аннинг ичи санчиди огрий бошлади. Жон Смит дори топиб келиш учун шахарга шошиб жўнади, аммо негадир тезда кайтиб келмади.

Кизча согайди, вакти келиб бўй етди.

Она эрининг йўқолиб кетганидан каттик изтироб чекди. Нихоят, кайта турмушга чикканига уч ой тўлгач, Сан Антонио шаҳрига кўчиб кетди. Ан хам турмуш килди, кизлик бўлди, йиллар ўтиб, кизи беш ёшга кирди. Ан хамон киндик кони томган — отаси чикиб кетган ва кайтиб келмаган уйда истикомат киласади. Жон Смит бедарак йўколганига йигирма бир йил тўлган куни кечкурун кизчасининг ичи санчиди огриб колди.

— Шахарга тушиб, ичогрув дори олиб келаман,— деди Аннинг эри Жон Смит.

— Йўк, йўк, Жон, азизим,— деди йиглаб хотини.

— Сиз хам отам каби бедарак кетасиз, кайтишни унутасиз.

Жон Смит ноилож хотинининг гапига кўнди — дорига бормади. Эру хотин ягона зурёдлари бўлмиш Пансининг юзига термулиб ўтиришди. Пансининг ахволи огирашди. Жон Смит дори излаб шахарга бориш учун тараддуд кўра бошлади. Лекин яна хотини кўнмади.

Шу пайт эшик тўсатдан очилди. Оппок соколли нуроний чол хонага кириб келди.

— Салом, бобожон! — деди Панси унга пешвоз чикиб.

Бобо Пансини кўтариб юзларидан ўпди-да, чўнтағидан бир шиша дори чикариб кизчага бир кошик ичирди. Панси тёзда ўзини яхши хис кила бошлади. Ичогриги колди.

— Озгина кечикдим, чоги, — деди Жон Смит айб-дордек илжайиб.

— Трамвай кутиб колиб кетдим.

Ўрок РАВШАНОВ таржимаси